



## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИКНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

*Рўзиев Ф.Ж.*

*TIFT Университети*

*”Педагогика ва психология” кафедраси доценти, н.ф.ф.д.(PhD)*

**Таянч сўзлар:** инсон капитали, меҳнат бозори, таълим мазмуни, баҳолаш, халқаро баҳолаш, таълим натижаси, валидация ва аккредитация, таълим стандартлари, таълим дастурлари, тенденцияларни баҳолаш методикасини и ч

**Ключевые слова:** человеческий капитал, рынок труда, содержание образования, оценка, международная оценка, результат обучения, валидация и аккредитация, образовательные стандарты, образовательные программы. этимология.


**Key words:** human capital, labor market, educational content, Assessment, International Assessment, educational outcome, validation and accreditation, educational standards, educational programs.

Мамлакатимизда таълим соҳосидаги олиб борилаётган туб ислохотлар негизида олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш устивор вазифа сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқлаш тўғрисидаги” ПФ-5847-сон Фармонида жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш, 2030 йилга қадар республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхати киришига эришиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори

малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш; олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда олий таълим тизимидаги туб ислохотларнинг изчил амалга оширилиши олий таълим тизимининг тараққиётини, ушбу тизимнинг тараққиёти эса ўз навбатида иқтисодий-ижтимоий тараққиётни жадаллаштиради. Олий таълим жараёнидан кутилаётган натижа таълим сифати ва самарадорлигини белгилайди десак хато қилмаган бўламиз, таълим натижаси эса талабанинг таълим мазмунини ўзлаштирганлик даражаси билан боғлиқдир, ушбу ўринда олий таълимда мутахассислик фани ўқитувчиси, меҳнат бозоридаги ишлаб чиқариш корхонасининг мутахассисга қўядиган талаблари ва талабанинг таълим стандартлари ва таълим дастурларини бажариш бараборида ўз олдиларига муайян мақсадларни қўяди ва шу мақсадга эришиш учун ҳаракат қилади, қачонки мутахассислик фани ўқитувчиси ва меҳнат бозоридаги ишлаб чиқариш корхонасининг мутахассисга қўядиган талаблари билан талабанинг мақсадлари кесишган нуқтада таълим натижаси самарали бўлади, лекин масаланинг бошқа тамони бор, яъни таълим натижаси ҳар доим субъектив ва индивидуал характерга эга бўлади, чунки таълим мазмунининг ўзлаштириш қийинчиликлари ва қувончларини фақатгина талаба ҳис қилади, айнан ушбу жараёнда меҳнат бозоридаги ишлаб чиқариш корхонасининг мутахассисга қўядиган талаблари ва мутахассислик фани ўқитувчиси талабанинг мотивлари, ҳис-туйғулари, интилиш ва қизиқишларига таъсир қила оладиган шахс сифатида намоён бўлади. Мутахассислик фани ўқитувчиси таълим натижасини тез-тез текшириб, талабаларни ўқув материалларини ўзлаштирганлик даражаларидан огоҳ қилиб туради, талаба эса ўз ютуқ ва камчиликларини англаб, ютуқларини кўпайтиришга, камчиликларини бартараф этишга интилади, бу эса ўз навбатида таълимнинг субъектив қимматини оширади, бинобарин, талаба учун таълим жараёнининг шахсий аҳамияти ошади, яъни талаба таълим олиш ва ўрганишнинг зарурийлигини таълим жараёнининг ҳақиқий субъектига айланган пайтда англаб етадилар. Буни биз қуйидаги 1-схема орқали таҳлил қиламиз.

Ушбу таҳлилимиздан келиб чиқиб таълим натижаси ҳар доим субъектив ва индивидуал характерга эга эканлигини эътиборга олиб таълим натижасини баҳолаш ҳақида фикр юритамиз.



**Баҳо** - педагогик, фалсафий ҳамда психологик моҳият касб этиб, талаба фаолияти, хулқиға бўлган ташқи ва ички муносабатни ифодалайди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда баҳо объектив ҳамда субъектив характерга эга. Баҳо ёрдамида талабанинг хулқ-атвори ва ўзлаштириш даражаси муайян талаблар ва ахлоқ меъёрларига қай даражада мос келиши аниқланади.

**Баҳолаш** - деганда таълим жараёнида талаба олдиға қўйилган вазифаларни ўқув дастурлари бўйича давлат таълим стандартлари талаблари билан солиштириш орқали эришилган даражани аниқлаш тушунилади. Баҳолашда талаба билими, кўникмаси ва малакаси ҳамда компетенцияларни эгаллаганлик даражалари аниқланади. Айниқса, таълим сифати ва самарадорлигини аниқлашда баҳолаш механизмларини такомиллаштиришға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий таълимнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш ва халқаро ва маҳаллий меҳнат бозори талаблари даражасида мутахассислар тайёрлашда қўйидаги устивор вазифаларни белгилаймиз:

**Биринчидан**, меҳнат бозорини унинг касбий-малакавий тузилмасини мониторинг қилиш, иқтисодиётни рақамлаштириш ва янги прогрессив технологияларни ривожланиш кўрсаткичларини инобатға олган ҳолда, малакали кадрларға бўлган жорий ва истикболли эҳтиёжни ўрганиш;

**Иккинчидан**, касбий стандартлар, тармоқ малакалар доиралари ва малака талабларини халқаро ва маҳаллий меҳнат бозори талаблари асосида ишлаб чиқиш ҳамда янги прогрессив технологияларни ривожланиш кўрсаткичларига мослаштириб бориш;

**Учинчидан**, малака ва билимларни баҳолаш миллий тизимининг халқаро миқёсда тан олинисини таъминлаш ҳамда касбий малака ва билимларнинг мослашувчан, изчил ва узлуксиз ривожланишини таъминлаш;

**Тўртинчидан**, малака ва билимларни, талаба эгаллаган билими, балки унинг касбий тажрибаси, кўникмалари ҳамда шахсий сифатларини эътиборга олган ҳолд валидация ва аккредитация қилишнинг мослашувчан, шаффоф ва холисона механизмларини амалиётга жорий этиш;

**Бешинчидан**, Меҳнат бозорида ишлаб чиқариш корхонасининг мутахассисга қўядиган талабларининг таълим дастурлари мазмуни билан ўзаро боғлиқлигини кучайтириш орқали таълимнинг сифатини ошириш.

**Олтинчидан**, янги касбий стандартларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда олий таълим муассасасига тегишли таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ушбу дастурлар асосида профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишни ташкил этиш;

**Еттинчидан**, олий таълимнинг таълим дастурларини WorldSkills стандартлари, касбий стандартлар ва халқаро миқёсда тан олинган ташкилотлар рейтингда юқори турувчи энг нуфузли олий таълим муассасаларининг таълим дастурлари билан уйғунлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган таълим соҳасидаги ютуқларини баҳолаш бўйича халқаро рейтингга киришини инobatга олган ҳолда олий таълимда талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим.

Жумладан:

– Талабанинг эгаллаган кўникма ва малакаларни, касбий тажрибаси ҳамда шахсий сифатларини эътиборга олган ҳолда уларда компетенцияларнинг ривожланишига қўйиладиган талабларни баҳолашда таълим натижаларининг дидактик имкониятларини назарий-амалий жиҳатдан асослаш, мавжуд ёндашувларни таҳлил қилиш;

– Олий таълимда талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ва меҳнат бозоридаги талабаларнинг педагогик-психологик ҳамда ижтимоий имкониятларини ўрганиш орқали уларда компетенцияларни ривожлантириш йўналишларини белгилаш;

– Талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш кўрсаткичларини объектив баҳолаш орқали уларнинг келажакда бажарадиган касбий – амалий ҳаракатларини режалаштириш ва шу асосда касбий компетенцияларни эгаллаганлик даражаларининг баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;



Таълимни ахборотлаштириш шароитида талабаларда касбий компетенцияларни шакллантириш жараёнида уларнинг яширин имкониятларини очиш асосида баҳолаш механизмларини такомиллаштириш.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, олий таълимнинг сифат ва самарадорлигини таъминлашда талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштириш даражаларини баҳолашда халқаро стандартларга асосан меҳнат бозори билан олий таълим тизими механизмларининг синергияси сифатида малакаларни баҳолаш тизими амалиётга татбиқ этилган. Чунки малакаларни баҳолаш тизимининг жорий этилиши нафақат маҳаллий меҳнат бозорида, балки, хорижда ҳам мутахассиснинг касбий компетентлиги, халқаро талабларга мослиги, муносиб иш ҳақиға эға бўлишини таъминлайди.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқлаш тўғрисидаги” ПФ-5847-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-жилд. А-бешбали. Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000.-736 бет.
3. С.Гафитулин. “Модель перспективного образования”. 2017 г.
4. А.В.Хуторской. Образовательные компетенции и методология дидактики. 2016 г.
5. Ксензова Г.Ю. Оценочная деятельность учителя. Учебно-методическое пособие-М; Педагогическое общество Россия. 2001г.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада олий таълим тизимида юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш, янги прогрессив технологияларнинг ривожланиш кўрсаткичларини инобатга ҳамда таълим натижасини баҳолашнинг халқаро стандартлари ҳақида фикр юритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются вопросы повышения качества подготовки высококвалифицированных кадров в системе высшего образования, развития человеческого капитала на основе требований рынка труда, учета показателей развития новых прогрессивных технологий и международных стандартов оценки образовательного результата.

#### SUMMARY

This article reflects on the quality of training of highly qualified personnel in the higher education system, the development of human capital on the basis of labor market requirements, taking into account the development indicators of new progressive technologies and international standards for assessing the result of Education.